

# КАСБ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir.



Высшее благо медицины – здоровье.

❖ Gazeta 1995-yil oktabr oyidan chiqqa boshlagan. ❖ № 23 (435) 2005-yil 14-20 июнь ❖ Seshanba kunlari chiqadi. ❖ Sotuvda erkin narxda.

*Кутлуғ бўлсин айёмингиз,  
Хуррам ўтсин ҳар онингиз.*

*Эл эъзозлар пок номингиз,  
Тиб илмининг султонлари,*

*Эл соғлигин посбонлари.*

### Азиз шифокорлар!

Сиздек матонатли, бурчига содик, қасамёдига садоқатли инсонларнинг беминнат хизматингиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Кейинги пайтларда тиббиёт тизимида оламшумул янгиликлар яратилиб, соғлиқни сақлаш соҳасида нуфузли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Республика шоялининг тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиллари, ихтисослаштирилган марказлар, замонавий қишлоқ врачлик пунктларининг қад кўтариши, шунингдек, қўлаб тиббиёт муассасаларининг замон талаблари даражасида фаолият юритаётганлиги бундан мустасно эмас. Айниқса, аҳоли саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг фаолиятдаги ўрни беқиёс бўлса, ундан таъқари, тиббиёт муассасаларимизнинг ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган энг сўнгги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳам бугунги даврнинг талаби эканлигидан далолат бериб турибди.

Шундай экан, ушбу соҳани янада равақ топтириш Сиздек тиббиёт ходимлари кўлида экан, ишончим комилки, бу борада олиб борилётган ишларда ўзингизнинг билимингиз, маҳоратингиз ва тажрибангиз билан муносиб ҳисса қўшасиз.

Сиз азизларни 18 июнь куни нишонланганидан касбий байрамингиз билан самимий кўтлаб, малҳамталаб қалблардан меҳрингизни дариг тутмаслигингизни, инсон саломатлиги учун бор куч ва имкониятингизни аямаслигингизни тилаб, масъулиятли ва шарафли ишларингизда омадлар ёр бўлишини ҳамда оилангизда тинчлик-тотувлик, омонлик ҳукм суришини истаб қоламан.

**Феруз НАЗИРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазири.



### ҚУШЛОВ

Сўзлари мойдаини, ширин мулоим,  
Аҳдида туролган, ҳамма вақт доим.  
Сира кўз тегмасин, асра Худойим,  
Байраминг муборак, азиз шифокор,  
Халқига меҳрибон, содик фидокор.

Чарчашни билмайсан, тунлар бедорсан,  
Бемор-ла чекиб ох, бефарқ қолмайсан.  
Жон фидо этасан, сира толмайсан,  
Байраминг муборак, азиз шифокор,  
Элу юрт дуоси, бўлсин мададкор.

Ибн Сино, Букротнинг чин ворислари,  
Луқмони Ҳакимнинг зўр шоғирдлари.  
Тиббиёт ишончи ҳам умидлари,  
Байраминг муборак, азиз шифокор,  
Халқига меҳрибон, содик фидокор.

Оқ халат эгнингда, ёруғлик тимсол,  
Беморга берасан, ҳаётбахш висол.  
Бармоқлар сеҳрли, мўъжиза мисол,  
Байраминг муборак, азиз шифокор,  
Элу юрт дуоси, бўлсин мададкор.

Яхшилиқ, эзгулик жодир дилингда,  
Заррача губор йўқ, сенинг кўнглингда.  
Очилсин лолалар, юрган йўлингда,  
Байраминг муборак, азиз шифокор,  
Халқига меҳрибон, содик фидокор.

Назиржон ДАВЛАТОВ,  
шифокор.

**БИР ТОМЧИ СУТДАН ...  
АЖОЙИБ  
НОНУШТАГАЧА**

2-бет.

14 ИЮНЬ - ДОНОРЛАР КУНИ



**ҚОН  
– БУ ҲАЁТ**

3-бет.

**Ushbu  
sonda:**

**ОН ВОЗВРАЩАЛ  
ЛЮДЯМ СЛУХ...**

5-я стр.

**ОСТРЫЙ ЖИВОТ -  
СИГНАЛ КАТАСТРОФЫ**

7-я стр.

**РЕКЛАМА VA E'LONLAR: TEL.: 133-13-22, 133-57-73.**

**Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, jisмоний бақувват фарзандлар туғилишини ва уларни баркамол қилиб тарбиялашни таъминлаш лойиҳалари ва тадбирларини амалга ошириш.**  
**«Сихат-саломатлик йили» давлат дастуридан.**

**Ёш оналарга маслаҳат**

# БИР ТОМЧИ СУТДАН ... АЖОЙИБ НОНУШТАГАЧА

Ҳамма чақалоқлар эмишга туғма қўниқма билан туғиладилар, аммо истисно ҳолатлари, яъни чақалоқни кўкракка ўргатиш керак бўлган чақалоқлар ҳам учрайди. Бундай ҳолатларда она кўрагини, чақалоқ ҳар озини катта очган вақтида унга теккизиб туриши керак бўлади. Бир неча уринишлардан сўнг чақалогингиз албатта кўрагингизни ўзи эма бошлайди. Биринчи ўн ойликда чақалоқ оқватланишни кунига 10 маротабага сўрайди, она эса шунча маротаба ва чақалоқ ис-

**Чақалоқ нима қилишни ўзи билади. Унинг оламга келиши биланок она кўрагини излаш манзарасидан таъсирчанроқ манзара бўлмаса керак. Чақалоқ бошини у ён-бу ёнга буриб ғайри ихтиёрый ҳолда она кўрагини излаб, кўкракни бироз ялайди, қимматбаҳо томчилар мазасини сезгач уни астойдил эма бошлайди.**

таган давомийликда боқиши керакдир.

**Янги рационни киритиш**

Чақалоқларнинг биринчи 6 ойлик ҳаётида озикланиш ахтиёжи фақат она сuti билан қопланади. Кўкрак сuti билан эмишиш жараёнида гўдак таъми ва таркиби янгича бўлган таомни татиб

кўриш учун аста-секин тайёрланади. Еттинчи ойдан бошлаб, гўдак янги турдаги оқватни татиб кўриш учун тайёр бўлади. Биринчи бор гўдак парҳезига киритилаётган таомлар суюқ ёки ярим суюқ (олмали шарбат, шўрва) бўлишига қарамай қошиқдан бериб ўргатиш мақсадга мувофиқ-

дир. Сўрғичли идишлардан фойдаланиш тавсия этилмайди, чунки кейинчалик сизда гўдакни қуюқ оқватларга ўргатишда қийинчилик юзага келади. Гўдакка қўшимча оқватни кечқурун унинг чарчаган ҳолатида эмас, балки эрталаб бериш мақсадга мувофиқдир. Аввал гўдакни кўкрак сuti би-

лан эмишиш, сўнг бўтқа ҳолига келтирилган сабзавотлар бериш тавсия этилади.

Агарда чақалогингиз ўзига номаълум бўлган янги таомни татиб кўраётганда оғиздаги борини туфлаб ташлаганда ҳам хавотир олмаб. Бу даврда муҳими унинг қўшимча қанча таом татиб кўрганида эмас, балки янги таъм ва таркибга эга бўлган таомга ўргатишдир.

8-9 ойлик гўдак бўтқа шаклига келтирилган таомни ҳеч бир муаммосиз истеъмол қиладди.

**Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг тавсиясига кўра чақалоқни биринчи олти ой мобайнида фақатгина она сuti билан боқиш керак. Кейинчи? Чақалоқ парҳезига янги турдаги таомларни қўйиш кўп оналарнинг асосий муаммоси ҳисобланади. Чақалогингизнинг биринчи таомни гуручли бўтқа бўлиши мумкин. Агар бўтқага ўз сутингиздан араштириб юборсангиз таомнинг таъми чақалоққа таниш туюлиб уни инжиқланмасдан истеъмол қиладди. Агар чақалогингиз оқватни ёқтиришини истасангиз:**

- чиройли ясалган стол, ранг-баранг таомлар, ҳатто «инжиқ хўранда» иштаҳасини ҳам очишлиги турган гап;
- чақалоққа оиланинг барча аъзолари билан биргаликда оқватланиш ёқиши мумкин. Уни баланд болалар стулига ўтқазиб қўйинг. Чақалоқ ҳеч қачон ёлғиз қолмаслиги лозим;
- оқватланиш жараёнида чақалоқни ҳеч мажбурламанг. Бетоқатлигингизни унга сездирмасликка ҳаракат қилинг, ҳатто бу узоқ вақт талаб қилса ҳам.

## Кўкрак сuti билан унумли боқиш учун чақалоққа кўкрак беришнинг бир неча усуллари мавжуддир

**Кўкрак сuti билан боқиш мутахассисларининг таъкидлашларича, кўпчиликлари оналарнинг чақалоқни боқиш вақтидаги қийинчилиги, болани ногўғри ушлаш билан боғлиқ экан. Агар бола парваришининг биринчи кунлариданоқ уни тўғри ушлашни ўрганиб олсангиз бу жараён икковингизга роҳат ва хурсандчилик келтиради.**



**Ёнбош ётган ҳолда**

Чақалоқни ёнбош ётган ҳолда эмишиш мумкин. Бундай ҳолатда чақалоқни туғилганидан кейинги бир неча кунларда эмишиш маслаҳат берилади. Бошингиз тағига бир неча ёстикни қўйиб қулай жойла-

шиб олинг. Ўнг томонингизга ёнбошланг, чақалоқни ўнг қўлингиз билан ушлаб туриб, ўнг кўрагингиз билан эмишинг. Худди шу ҳолатда чап кўкрак билан эмишсангиз ҳам бўлади. Эмишишнинг бу усули туғни вақтда, яъни уйдан тула уйғонмаган вақтингизда фойдаланиш учун қулайдир. Кейинги эмишишгизда бошқа ёнингизга ёнбошлаб эмизинг.

**Гўдакни «кўл остидан» эмишиш**

Гўдакнинг танаси онанинг елка ости қисмида бўлади. Она қўллари оқватларни билан бошини кўкрак томонга қаратган

ҳолда, қулоқ ёки кўкрак сатҳида ушлаб туради.



- Ушбу эмишиш усули қуйидагилар:
- 1) гўдак жуда кичкина туғилганда;
  - 2) гўдак нимжон ёки туғма нуқсонлар билан туғилганда;
  - 3) она учун ноқулай бўлганда:
- эгизаклар туғилганда;
  - кўкрак йўллари беркилиб қолганда;
  - кўкракка ўргатишда қийинчилик туғилганда фойдали ҳисобланади.

**Креслода ўтирган ҳолда**  
Чақалоқни тирасак суяччилик креслода ўтирган ҳолда эмишиш мумкин. Утирганда гавдангизни тўғри тутинг. Кресло унчалик паст бўлмаслиги керак, акс ҳолда тиззаларингиз кўтарилиб кетиб болага ноқулайлик яратади. Агар чақалоқни тиззангизга ёстик билан ётқизсангиз кўрагингиз билан бир баландликда бўлади.

**Вақт ўтиши билан кўкрак билан боқишга ўрганиб кетганингиздан кейин сиз чақалогингизни ҳар ерда ва ҳар қандай ҳолатда, сиз ва чақалогингизга қулай ҳолда эмишаварсангиз.**  
**Чақалоқни кўкракка беришнинг қайси усулидан фойдаланишдан қатъи назар тўртта асосий қоидага амал қилиш лозим:**

1. Гўдакнинг боши ва танаси бир тўғри қизикда бўлиши зарур.
2. Гўдакнинг юзи онанинг кўрагига қараган, бурни эса



кўкрак учи қаршисида бўлиши керак.

3. Она гўдак танасини ўзига яқин тутиб туриши зарур.
4. Она янги туғилган гўдакни эмишганда унинг фақат боши ва елкаларини эмас, балки бутун танасини ушлаб туриши керак.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги. (Давоми бор).**

**Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, экология нормаларини татбиқ этишга, аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлашга йўналтирилган дастурни амалга ошириш.**

**«Сихат-саломатлик йили» давлат дастуридан.**

## АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАЙЛИК

**Дунёда неки гўзаллик бўлса, унинг бари табиатнинг сеҳрли кучи билан яратилади. Табиат шундай инъомки, у онага қиёсланади. Чунки, наботот оламини қанчалик асрай олсан, меҳрибон онажонларимизга бўлган ғамхўрликларимиз билан бу меҳр янада уйғунлашади. Демакки, табиат — Она! Бамисоли у инсониятни кўз қорачиғидек асрайлаб, тарбиялайди. Ширин неъматлари ила ҳар бир кунини мунаввар айлайди.**

XXI аср — техникалар асри деб беҳиж айтилмайди. Тезкор ҳаёт наҳидасининг бир бўлаги ҳисобланган табиат мусаф-фоллигига эришиш, йилдан-йил глобал муаммолар каторидан жой олиб бормоқда. Нега биз фикримизнинг бошларидаёқ долларб мавзуга ургу бердик? Нима учун атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида бонг уриш пайти келганлигини бугун ёдга олаёلمиз? Тарихга назар ташлайлик. Буюк адиб Абдулла Қо-

дирий «Мозийга қараб иш тутмоқ, хайрлидир», деган эди. Уйлаб қарасак инсоният кун сайин, соат сайин улғайиб бормоқда. Бундан бир неча асрлар аввал инсоният олдида табиат билан боғлиқ ҳеч қандай долзарб муаммо бўлмаганлигини кўрамиз. Тоза ҳаво ва атроф-муҳит инсон ҳаётининг гарови бўлиб келган. Биз тиржикизи, ҳаёт бор, ҳаёт бор жойда дунё ва табиат мусофоллиги ҳукмрондир. Шундай экан, табиат инсоният билан бир-

га нафас олади. Бугун биз минбарлардан туриб атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида тинимсиз қайғураямиз. Бу муаммо нафақат бизни, балки бутун дунёни ўйга толдираётганлиги табиий. Олдимизда турган долзарб масалаларни ҳал қилиш муҳим ва зарур эканлиги, умумий чора ва тақрифларни ишлаб чиқишни давр тақозо этмоқда. Тўғри, бир қанча дастурлар ишлага қилиб амалиётга тез татбиқ қилинмоқда. Бу дастурларнинг мақ-



сади биринчи ўринда тўпиланб қолган зарарли қиқиндиларни йўқотишга, табиатдан фойдаланиш фаолиятини рағбатлантириш ҳамда табиатни суъний ифлосланишини камайтиришдан иборатдир, дея эътироф этилмоқда. Хўш, ана шу қайғуришлар, бонг уришлар ўз мевасини бераётгани тўғри. Йўқ. Аксича... янги аср остоналарида ҳам атроф-муҳитнинг бебошларча ифлосланиши оқибатида хатарли экологик муаммолар келиб чиқмоқда? Техника та-

рақийетининг жадаллик билан ўсиб бориши, турли вазиятларнинг жиддий тус олишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, атроф-муҳитга раҳна солаётган экологик таҳдидларнинг кўпайиб бораётганлиги кишини ташвишга солади. Оддийгина мисол, атрофнинг турли тутун ва қиқиндилар қуршовида қўлиб, аёвсизларча захарланишига шахсан ўзимиз сабабчимиз. Ахир барчамиз шу Она-замин тупроғидан баҳра оламиз. Шу боис унинг қадрига етиш, кўз қорачиғидек асраш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

**М. ИЛХОМОВ,**  
**Тошкент молия институтини доценти.**  
**Ж. РАҲИМОВ,**  
**I курс талабаси.**

# 14 июнь — ДОНОРЛАР КУНИ



## ҚОН — БУ ҲАЁТ

**Аминбой КУР'ЯЗОВ,**  
*Республика гематология  
ва қон қўйиш илмий-  
тектириш институти бош  
шифокори, тиббиёт  
фанлари номзоди.*

— Аминбой Машарипович, мана бир неча йиллардан буюн ушбу муассасада фаолият юритиб келмоқдасиз. Мазкур тиббиёт муассаса инсонлар ҳаётида қандай роль ўйнайди?

чиқиб кетишга ҳаракат қиламиз. Имкон қадар бор куч ва имкониятларни ишга солиб, инсон ҳаётини ҳавф-хатардан сақлаб қоламиз. Баъзан шундай вазиятлар бўладики, бир томчи қон ҳаёт тирикчилигини белгилаб беради. Ана шу ҳолатларда донорларнинг маъжудлиги ниҳоятда муҳим. Афсуски, донорлар сонининг камлиги ва улар сафини кенгайтириш барчамизнинг бугунги ташвишларимиздан бири бўлиб бормоқда.

# УМРБАХИШ ТОМЧИЛАР

— Бизга маълумки, 14 июнь — Бутун дунёда донорлар куни сифатида кенг нишонланади. Айнан, шу сана арафасида муассасада қандай тадбирлар олиб борилмоқда?

— Мана икки йилдирки, донорлар куни ўзига хос кўтаринкилик

ривожлантириш мақсадида жамоамиз ҳамкорлигида бошқа тиббиёт муассасалари, жамоат ташкилотлари, боғча ва мактаблар ҳамда аҳоли орасида чиқишлар қилиб, қон ва унинг хусусиятлари, донор ким ва у нима учун керак, мавзуларида суҳбатлар

тижаларини тўғри чиқаришга ҳаракат қиладилар.

— Кенг жамоатчиликка билдирадиган тилакларингиз...

— Аввало, ҳеч бир инсон дардга чалинмасин. Хонадонингизга тинчлик, хотиржамлик, юртимизга фаровонлик тилаб, барчангиз-

мутахассислар етарли даражада бўлиб, ўз билим ва маҳоратларига эга бўлиши керак. Лекин айрим пайтларда турли реактивларнинг етишмаслиги ишларимизга панд бериб қўяди. Шундай бўлса-да, бошқа имкониятларимиздан фойдаланиб, нажотталаб беморларнинг ҳолатини чиқаришга ҳаракат қиламиз. Яқинда бўлиб ўтган конференцияда қон муаммолари хусусида фикрлар билдирди. Барча қардош республикалардан маърузага чиққан мутахассислар фикрини тинглаб туриб шу хулосага келдим. Лабораториямизда керакли тиббий асбоб-ускуналар етарли бўлмаса-да, мутахассисларимиз қўл меҳнати билан таҳлилларни тўғри ва чуқурроқ аниқлашга эришадиганликларининг гувоҳи бўлиб турибман. Истардимки, тиббиёт коллежларида тайёрланаётган лаборант кадрлар масаласига эътибор кучайтирилса. Чунки, лабораториямизда кадрларнинг етишмаслиги ҳам муаммага айлана қолмоқда. Шунингдек, фаолиятга келаётган ҳар бир мутахассис касбий маҳоратга эга бўлсагина, ишдаги натижа ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

### Дилором МАХМУДОВА, биокимё лабораторияси муdiri.

— Лабораториямизда асосан гематологик касалларнинг биокимёвий таҳлиллари ўтказилади. Беморларнинг қон таҳлиллари девяли ҳар куни текширувдан ўтказиб борилади. Аслини олганда лабораторияда олиб борилаётган таҳлиллар жуда эҳтиборлиқни талаб этади. Чунки, шифокор беморнинг ранг-рўйига қараб эмас, балки унинг таҳлилий натижаларига қараб аниқ бир хулосага келади ва даволаш муолажаларини бошлайди. Беморларни текширувдан ўтказиш жараёнида 60 дан зиёд биокимёвий тестлардан фойдаланамиз. Беморларга хизмат кўрсатаётган мутахассисларимиз етарли бўлиб, улар ўз билим ва тажрибаларига эга-лар. Шу билан бирга лабораториямиз етарли даражада тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ходимларимиз учун ҳеч қандай муаммолар йўқ.

га омонлик, тани-сиҳатлик ёр бўлсин.

### Мавлуда НАБИЕВА, врач-лаборант.

— Бизнинг лабораторияда асосан қоннинг суяқ ва қуюқ ҳолати, яъни гемостаз таҳлиллар амалга оширилади. Бизда асосан оғир жароҳатлар, бахтсиз тасодифлар туфайли кўп қон кетиши ва тромбозларда қон ҳолатини аниқлаш, текшириш ишлари олиб борилади. Шу билан бирга беморларга маслаҳат ва тавсиялар ҳам бериб борамиз. Албатта, лабораторияда фаолият юритишнинг ўзи бўлмайди. Унинг ҳам ўзига яраша қийинчилик ва мураккаб томонлари бор. Бунинг учун биринчи навбатда лабораторияда барча имконият ва шароитлар мавжуд бўлиши шарт. Иккинчидан, фаолият юритаётган

Мен мазкур муассасадан қайтар эканман, тиббиёт ходимлари-ю, беморларнинг фикрларини тинглаб, бу соҳада ўз ечимини топмаётган донорликни янада шакллантириш бугунги кун зарурати эканлигига амин бўлдим. Шундай экан, бундай долзарб муаммага эътиборимизни қаратмасдан иложимиз йўқ. Чунки, соғлом донорнинг умрбахш томчилари бўлган қон бемор ҳаётининг тириклик манбаи эканлиги ҳеч биринингизга сир эмас.

Келинг азизлар! Донор бўлишдек савобли ишдан бош тортмайлик.

Суҳбатдош: Намоз ТОЛИПОВ.

## ДИЛ ИЗҲОРИ

Авалло, ўз касбининг мохир ўстаси бўлган шифокорларга раҳмат. Бундан бир неча ой муқаддам вилоятимиздаги шифохоналарда даволандим, лекин тўла даражада соғайиб кетмадим. Икки оёғимнинг мадори қуриб, иштаҳам йўқолди. Ҳаётдан умидимни уздим. Шунда сурхондарёлик шифокорлар ушбу тиббиёт муассасасига ётиб, даволанишим учун йўлланма беришди. Мана бир неча кунки, тажрибали шифокор ва ҳамшираларнинг кўрсатилган тиббий ёрдамлари ҳаётга бўлган ишончимни уйғотди. Уларнинг ширинсўзлиги, меҳрибонлиги, чакқон ва орасталиклари менга жуда ёқди. Шу боис, бўлса керак, ҳозирда ахволим анча яхши. Бу ерда қон таҳлилларини доимий равишда текширишиб, керакли дори-дармонларни ўз вақтида бериб туришибди.

2-гематология бўлимининг муdiri, фидойи шифокори Мавмура Нигматова ва унинг барча жамоадoshларига ўз миннатдорчилигимни билдириб, масъулиятли ишларига зафарлар тилайман.

Тиниқ КҮЧКЕЛДИЕВА,  
Сурхондарё вилояти, Денов тумани.

руҳида ўтказилмоқда. Режаларимиз ўзининг чуқур моҳиятига эга бўлиб, институтиимиз ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида «Қон инсон хизматида» номи билан анги фонд ташкил этилди. Ушбу фонднинг олдига қўйган асосий мақсади аҳоли орасида донорлик тушунарчалари ва унинг афзалликлари тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда жамоатчиликнинг ҳамда волонтерлар (кўнгилчилар)ни жалб эта олишдан иборатдир. Шунки қайд этиш лозимки, чет элларда 1000 киши ҳисобига 50 нафар донор қон топширар экан, энг ачинарлиси бизда бу рақам қуйидагича: 1000 киши ҳисобига 5-6 тагина донор ўз қонини топширади. Ханузгача, донор бўлишнинг фойдали томонлари борлиги инсонларимиз онгига тўлиқлигича етиб бормаган. Ваҳоланки, донор қон топширганда ўз соғлигини қай даражада эканлиги тўғрисида маълумотга эга бўлади, айниқса, артериал гипертонияга дучор бўлган инсонлар учун бу фойдаланиш ҳисобланади. Шунингдек, қон тарқиб қайтадан янгиланади. Биз соҳа мутахассислари донорлар ниҳоятда зарурлигини ҳисобга олиб, бу борадаги ишларни

ўтказиб келаёلمиз. Ҳар ҳолда ушбу ишларимиз оз бўлса-да, ўзининг муайян натижаларини бермоқда.

— Кўриниб турибдики, донорларни жалб этиш, уларни текшириш мобайнида қийинчилик ва муаммоларга дуч келмаслик учун замонавий технология ва билимдон кадрларга бўлган талаб янада ортади.

— Дарҳақиқат, кадрлар масаласига келадиган бўлса, мутахассисларимизнинг барчаси ўз тажрибасига эга. Уларнинг фаолият юритишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Таъкидлаш жоизки, Американинг CDC ташкилоти томонидан берилган лаборатория жиҳозлари ўзининг замонавийлиги билан бемор ва донорлар учун чуқурроқ ташхис қўйиш имкониятини бермоқда. Ушбу лаборатор асбоб-ускуналар билан ОИТС, Гепатит А, Б, С, безгақ сингари юқумли касалликларнинг ташхисини аниқлаш самарали кечмоқда. Лаборатория ходимлари донор ёки беморлар қонини олиб, таҳлил қилаётган пайтларида тиббиётнинг санитария-гигиена ва зарарсизлантириш қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда ўз билим ва имкониятларини ишга солиб, таҳлил на-

— Ҳўш, бу борада мазкур институт ва клиникада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Институтимизда фаолият юритаётган бўлимларнинг ҳар бири ўз йўналиши бўйича иш олиб боради. Кейинги пайтларда клиникамизга мурожаат қилаётганлар сони кўпайиб бормоқда. Албатта, клиникамизга келган беморлар сифати тиббий қуриқдан ўтказилиб, аниқ ташхислар асосида даволанадилар. Улар учун клиниканинг бўлимларида етарлича шарт-шароит мавжуд. Лекин шундай беморлар бўладими, улар учун қон қўйиш асосий жараёнининг керакли нуқтасига айланади. Бу ҳолатда вазиятдан

# ТУҒМА ИСТЕЪДОД = ЮКСАК ПАРВОЗЛАРГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ



## Шеъринят гулшани

**Шеъринят — ижод ва бетақрор гўзаллик дунёсини кашф этади. Юракларда ястаниб ётган меҳр чашмасини ошуфта дилларга сарафроз айлайди. Шеъринят яна шундай мўъжизалар яратадики, унинг олдида шоиру шуаролар, малики малойикалар тухфа инъом кутадилар. «Илҳом», дея отлиги билан қалб торларини чертувчи шеъринят бугун яна сизнинг оламингизни мунаввар этмоққа шай. Хаёт нафисликлари мужассам дил сатрлари шифокор шоирлар назмида ўзга бир оламни, янги бир хаётни чароғдон этади. Куйида сиз ана шундай сирли сатрлардан намуналар ўқиб баҳра оласиз.**

### БҒЛАЖАК ШИФОКОРГА ШИЛАЖИМ

Билки, хиёнатга ҳаққинг йўқ сенинг,  
Чунки, оқ халатда қилдинг қасамёд.  
Аслидачи, хиёнат ҳеч йўқолмағай,  
Чунки, у билан бирга келган одамзот.

Ул юрар теварак атрофда сарсон,  
Уни ишлатарлар, ха, била туриб.  
Атрофингда қанча покиза инсон,  
Десаларда, «кетсин, ул хиёнат куриб».

Ха, азизим, оқла олган билиминг,  
Инсонни улуглаш қонингда бўлсин.  
Кун дема, тун дема, дардқашим бўлгин,  
Оҳ, деганинг қалби шодликка тўлсин.

Эркин ТУРСУНОВ,  
профессор.

### ШИҒРУҚХОНА ШОННИ

Тонг отмоқда, жозибашафак,  
Япроқларда шабнам биллурий.  
Мусаффо тонг чиройи гўё  
Бўлмиш жоннинг завқи, сурури.

Тонг отмоқда, еллар эсмоқда  
Тугрўқхона сахнида аста.  
Тонг отмоқда, сабо кезмоқда  
Гўдақларнинг палатасида.

Биринчи бор она бўлганлар  
Деразадан тонгни кутади.  
Ажиб бир ҳис пайдо бўлади,  
Қалбга қувонч ташлаб ўтади.

Бир энтиқиб меҳрибон она  
Эркатойин бағрига босар.  
Истиклолли Ватан тонгида  
Қалбда орзу қанотин ёзар.

Тонг отмоқда тугрўқхонада  
Оналарнинг оқар кўшиғи.  
Гўдагини бағрига босар  
Ватани — муҳаддас бешғи.

Абдужалил ШОДМОНОВ,  
доцент.

### ҲАР ХИЛ

Ҳаётда инсонлар тақдири ҳар хил,  
Ҳар хилдир бошларга тушар синовлар.  
Яшаш-чун усулу замин турфа, бил,  
Тақдир кўяр йўлга турли хил ғовлар.

Кимдир юрар бўлиб ўз нафсига қул,  
Бировлар иш қилар — эртани ўйлар.  
Биров соғлиғига бепарво буткул,  
Бахти — сихатлигим дея ким сўйлар.

Кимдир ранжитади она дилини,  
Падар ризосига кимдир мушарраф.  
Биров кўрмай ўтар таълим йўлини,  
Фарзанд тарбияси кимгадир шараф...

Ким ҳаётга солса ақл-ла нигоҳ,  
Яхшиларга бўлай деса яқинроқ,  
Ҳаёт — синов, бундан бўлар у оғоҳ,  
Донолар нақлига солади қулоқ.

Бошига тушганда синов — қийин чоғ,  
Ўзида топар қуч ечишга жумбоқ.  
Эркин, ким соф юрса умр йўлида,  
Бахт қушин албатта ушлар қўлида.

Эркин ШОМИРЗАЕВ,  
тиббиёт фанлари доктори.

### СЕНИ СЕВМАЙ БҒЛУРМИ САНАМ

Нигоҳ узмай жоним келар йўлингдан,  
Қабоғимга чўқди санам кўларим.  
Шеърга солдим қалам олиб қўлимга,  
Эшит жонон соғинч тўла кўларим.

Сени излаб Боғишамол боғини,  
Боғибаланд қирларини кезаман.  
Гулим, ойдаи жамолингни соғиниб,  
Ҳаёлимда суратингни чизаман.

Айтчи, йўлинг олисмиди шунчалар,  
Менинг қалбим соғинчларга айланди.  
Субҳидамда кимдир эзиб қуй чалар,  
Шайдо кўнгили сенга шунча бойланди.

Тонг эпкинни қучоғида эринмай,  
Вафо, дея жар солсан дунёга.  
Сен кетарсан нахот энди кўринмай,  
Парво қилмай кўксим тутган зийға.

Мен-чи, ишқинг гавҳарини авайлаб,  
Юрагимни ҳаммадан сир тутаман.  
Мухаббатим изҳорига сўз излаб,  
Чаманимга ташрифингни кутаман.

Баҳром САЛОМ,  
профессор.

### ЁНМАСИН ЖОНИМ

Мен ушбу шеърини сенга атадим,  
Алвон гуллар тердим илҳом боғидан.  
Сенинг жамолинга илҳак қарадим,  
Париваш, халос эт қўнғил доғидан.

Илтифот айлагин, қийнама ортиқ,  
Рашку маломатда ёнмасин жоним.  
Агар оғушингни этолсан тортиқ,  
Тақдир синовига бисёр имконим.

Сайроқи булбуллар бўлиб ҳамнафас,  
Енгил шабодалар сочинг тарасин.  
Висол боғи аро сен қургин қафас,  
Гулдан қафасинга барча карасин.

Ичинда мен бўлай якка асирбанд,  
Лайликин соғинган ошиқ Мажнундай.  
Имкон қидирганлар бўлса ҳам тирбанд,  
Мудом асирликда сақлагин шундай.

Нурмат ОТАБЕКОВ,  
профессор.

### Қутлаймиз!

**Шифокор — биргина мана шу сўз замирида қанчалик улугворлик мужассам. Оқ либоси каби қалби пок, кўнгли тоза, қўллари енгил, жонга малҳам нажот қалъасининг посбони, умидли диллар халоскори... Эҳе, туну кун эл хизматида камарбаста бўлган бу касб вакилларини қанчалар таърифласак, кўнларга кўтариб мақтасак ҳам оз. Чунки, инсон соғлиғи ҳақида энг яқин кишисидек қайғурадиган, унинг соғайиб оиласи бағрига қайтишидан бениҳоя хурсанд бўладиган ҳам шифокор.**

Ана шундай улуг айём кунларида касб байрамларини нишонлаётган барча тиббиёт ходимларини қутлар эканмиз, уларга оилавий бахт, тани-соғлиқ, эзгу ишларида ривож ва эл хизматидаги меҳнатларига зафарлар тилаб қоламиз.

Таҳририят.



*Ҳамира — поклик ва гўзаллик соҳибасидир. Ундаги иштибор, енгилмас ирода, қуч ва маконат бебаҳо хазинага тенгки, унинг намуналарини шоира Гулбахор Ғиёсова қаламида кўришимиз мумкин. Унинг шеърини ўқиб эканмиз, қўнғил торларини чертувчи, юракларни ларзага келтирувчи микреларнинг сўвоҳи бўласиз. Бугун шеърини буюрди малikasига айланган Гулбахор Ғиёсованинг шеърларидан айримларини сизнинг хўшмиғизга ҳавола этамиз.*

### ҚИЙИН ЭКАН

Қийин экан шифокорнинг ёри бўлмоқ,  
Гулшанининг якка-ёлғиз нори бўлмоқ.  
Даркор экан, баъзан аччиқ дори бўлмоқ,  
Йўқса мумкин, шу гулшанининг хори бўлмоқ.

Аёл дейди: «Мухаббатда танҳо бўлсам,  
Ёрим фақат мени кўрса ва дунёни».  
Эҳ, ... шифокор ёрига бу бир хаёл,  
Дўхтир зоти ўзига қўйган бинони.

Бир кунни денг, хонасига кириб борсам,  
Ороланиб ётибдилар бир париваш.  
Ёнларида парвоналар, дўхтиржон ҳам,  
Аҳволини сўрмоқдалар бирам дилқаш.

Қўлларини ушлаганлар пульс баҳона,  
На ошқозон, жигар қолди назоратдан.  
Бир чеккада кузатиб мен ёна-ёна,  
Чиқиб кетдим рашк деган аросатдан.

Уйга келгач аста-секин гап бошладим,  
Бир дам сўзлаб, бир дам кўзимни ёшладим.  
— Ким экан у, касал бўлган гулирухсор?  
— Ким бўларди, ҳар галгидек оддий бемор.  
— Қаерлари оғрибди у «таннохони»?  
— Нима эди? Жигар, юрак, ошқозони.  
— Юрак бўлса ана борсин кардиологга!  
— Бўлди бас қил! Ҳеч тобим йўқ сўзламоққа.  
— Ундайларни кўргандан сўнг,  
тўғри менинг гапим ёқмас,  
Беғонага парвонасиз,  
нечун энди кўзларимдан ёшлар оқмас.  
Касал бўлса кампир-пампир,  
сиз кўрасиз нари-бери,  
Ундақалар касал бўлса,  
кўздан ўтар ҳамма ери!

— Хўш қани айт! Сени дея,  
воз кечайми дипломимдан?  
Сал бундайроқ аёл кўрсам,  
махрум бўлсам оромимдан!  
— Йўқ, азизим, дипломданмас,  
махрум бўлинг аёллардан,  
Шунда мен ҳам воз кечаман  
бўлар-бўлмас хаёллардан.  
Майли кўринг қарри-қурри,  
кўринг барча эркак зотин,  
Аммо тоқат қилолмайман,  
тутманг, гўзал аёл отин!  
Шу кабилар бўлавергач  
герантолог бўлдилар ёр,  
Йўқса илиб кетар эди,  
беморман деб, бирор дилдор.

### ОНАЖОНГИНАМ

Ҳали сизга бир иш қилиб улгурганим йўқ,  
Кемтиккина кўнглингизни тўлдирганим йўқ.  
Ё фарзандлик бурчим жуда дундирганим йўқ,  
Менга жону жаҳон берган Онажонгинам.

Йўлдан қанча шодлик топсам, тутдим боламга,  
Сизни мудом шерик этдим, дардли ноламга.  
Гоҳо ўйлаб, сиймай қолгум, бу кенг оламга,  
Дардларимга дармон бўлган Онажонгинам.

Баъзан сўнғисиз ташвишим деб, вақтни қизгандим,  
Дийдор ўрнин босолмаскан асалу қандим.  
Мен бир поддон, ноғоҳ англаб унсиз тўлғондим,  
Дийдоримга муштоқ бўлган Онажонгинам.

Борсам хушнуд қаршилайсиз, бўлиб парвона,  
Бўлса бас деб, жоним болам, бошинг омон-а.  
Соғинтириб ўзим боргум, минг бир гумона  
Гуноҳимни кечиргувчи Онажонгинам.


Аслида-ку, вужудимда оқар қонингиз,  
Менга қувват, қўш қанотдир, Сизнинг борингиз.  
Умр бўйи қуйласа оз Гулбахорингиз,  
Шеърларимга ҳайрат берган Онажонгинам.

Гулбахор ҒИЁСОВА,  
Қашқадарь вилояти, Қосон туман марказий  
шифохона бош ҳамшираси.

Памяти замечательного врача

# ОН ВОЗВРАЩАЛ ЛЮДЯМ СЛУХ...

**В этом году исполнилось бы 97 лет Василенко Юлиану Доминиковичу - врачу, хирургу, который долгие годы работал в Узбекистане.**



Для Юлиана Василенко Ташкент стал второй родиной. Когда ему исполнилось 16 лет, его отца направили сюда на работу из России, и вся семья переехала в Узбекистан. Ему нравилось здесь всё: и высокое синее небо, и жаркое солнце, а весной цветущий в соседском палисаднике миндаль, и люди, добрые, отзывчивые, с открытыми для добра сердцем.

Юлиан в те годы уже задумывался о будущей профессии. Он мог бы стать художником, музыкантом или певцом: способностей хватало бы. Но он стал студентом медицинского факультета САГУ - Среднеазиатского государственного университета.

Быстро пролетели четыре года, и в 1932 году Юлиан стал дипломированным врачом. Всех удивило его решение быть именно военным врачом и пять лет провести на территории военного лагеря. Трудно сказать - нравилось ли ему это, учился ли он мастерству врачевания в таких условиях, но он считал, что так должно было быть. И военный врач, кроме основной своей профессии, освоил верховую езду, умело держался в седле, проводил много часов в походах, на стрельбах занимал призовые места.

После демобилизации Юлиан Доминикович возвращается в Ташкент и начинает работу ординатором в клинике безмозельного уха, горла и носа ТашММИ. Годы ординатуры были заполнены освещением, казалось бы, узкой специализации но он считал, что не может быть ничего

узкого и ограниченного в познании человеческого организма, а тем более в стремлении помочь человеку в недугах и страданиях. Юлиан Доминикович очень хотел помочь людям слабослышащим и глухим, и для этого много работал, собирал материал, накопленный в литературе. Но жизнь распорядилась иначе: в 1940 году он был направлен на должность главного врача Кокандской городской больницы, а в 1941 году - фронт, фронтовой госпиталь. В звании майора Юлиан Доминикович снова возвращается в Ташкентский мединститут, работает ассистентом в клинике, готовится к защите диссертации. И успешно её защищает, получает учёное звание кандидата наук. Его не оставляла мысль об операции по восстановлению слуха. Он всегда говорил, что врач обязан возвращать больному, утраченное здоровье, чтобы жить полной жизнью и трудиться. Профессию свою Юлиан Доминикович любит самозабвенно,

рассказывал о ней увлекательно он не боялся нового и в своей работе стремился применять все новые достижения медицины.

Им была освоена операция среднего уха, именуемая «мобилизацией стремянки по Розену». Методика операции была известна но не было инструментов. Помог случай - копию инструментов изготовили инженеры и рабочие одного из заводов. Сам Юлиан Доминикович сконструировал лобный осветитель.

Шло время, врач Василенко отработывал методику операции. И вот настало время, он услышал в операционной долгожданные слова:

- Доктор, ведь я же слышу, слышу!

Много можно говорить об этом человеке, жизнелюбивом, общительном, любящем людей. Об этом в своё время писала местная газета и газета «Медик» в 1958.

